

БАНАЖВОРОННОМАНИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 5 (508) 2006 йил 1 феврал

МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР

АТИБ "Ипотека банк" Тошкент шаҳар филиали ўтган 2005 йил давомида банк фаолиятини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Хусусан, 2006 йил 1 январ ҳолатига филиалнинг банк акциядорлари маблағларидан шакллантирилган устав сармояси 851,9 млн. сўмга етди.

Ҳозир филиал мижозлари орасида 228 та акциядор бўлиб, шуларнинг 198 нафари жисмоний шахс, қолган 18 таси давлат улуши қўшилмаган ва давлат улуши 25 фоиз, 26-50 фоиз, 51-90 фоиз ва 100 фоиз бўлган (бундайлар 12 та) юридик шахслардан иборат.

Филиалнинг бундай натижаларга эришишида қимматли қоғозлар бўлимининг хизматлари катта. У Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Марказий банк, "Ипотека банк" бошқарувининг қарор ҳамда топшириқларини оғишмай бажариб келмоқда. Хусусан, ушбу бўлим ўз вазифасига кўра, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида банк фаолиятини такомиллаштириш учун зарур бўлган ахборотни тайёрламоқда, актив ва пасив операцияларни банк номи ва ҳисобидан бажармоқда, қимматли қоғозлар бозорида мижозларга консалтинг хизматларини кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, филиал ихтиёридаги акциядорлик сармоясини таҳлил қилиш ва тартибга солиш билан бирга акциядорлар реестрини юритиш, қолаверса, қимматли қоғозлар эмиссиясини рўйхатдан ўтказиш каби функциялар ҳам бўлим зиммасидаги вазифалардан ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бўлимининг яна бир амалий иши банкнинг Тошкент шаҳар филиали иш режаси асосида қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича амалий ёрдам кўрсатиш, акциядорлар реестрини электрон шаклда юритиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда "Ипотека банк" акциядорларига дивидендлар тўлаш бўйича таклифлар киритишдан иборат.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Мамлакатларнинг ўз зиммаларидаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлари бажаришлари ҳамда ўз ҳуқуқларини амалга оширишларининг самарали воситаларидан бири миллий қонун ҳужжатларига халқаро нормаларни сингдириш бўлиб, бу иш халқаро-ҳуқуқий нормалар миллий қонун ҳужжатларига татбиқ этилишини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий ҳаракатлари тизимида тўла мужассам топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва Тошкент давлат юридик институти билан биргаликда ташкил этилган семинар-тренинг айна шу масалага – "Халқаро нормаларнинг миллий қонун ҳужжатларига сингдирилишини таъминлаш" мавзусига бағишланди.

Иштирокчилар таъкидлаб ўтганларидек, бугунги кунда мамлакатимиз томонидан кўплаб халқаро шартномалар имзоланган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида қабул қилинган битимларни ҳисобга олмаганда, Ўзбекистон 160 дан ортиқ кўп тарафлама шартномаларга қўшилган. Хорижий мамлакатлар билан икки тарафлама асосда бир неча минг шартнома, шу жумладан, ҳукуматлараро ва идоралараро шартномалар тузилган.

Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари кенгайиб, турли соҳаларда ҳамкорлик чуқурлашиб бораётганлиги мамлакатимиз қонун ҳужжатларига халқаро-ҳуқуқий нормаларни сингдиришнинг аҳамиятини ошириб, бу жараёни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Анжуманда халқаро-ҳуқуқ нормаларини миллий қонун ҳужжатларида мужассам топтиришнинг, мазкур жараён устидан мунтазам мониторинг олиб борилишини ташкил этишнинг назарий ва амалий масалалари кўриб чиқилди. Тадбирда сўзга чиққанлар бу соҳанинг турли қирраларига эътиборни қаратдилар. Халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига сингдириш тўғрисида қонун ишлаб чиқиш, бундай нормаларни қонун ҳужжатларимизга татбиқ этишнинг самарали ва таъсирчан механизмини яратиш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида бу соҳада ўзаро ҳамкорлик ҳамда уйғун ҳамжиҳатликни такомиллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Семинарда сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирликлар ва идораларнинг, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари, етакчи ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар ва экспертлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

24-27 январ кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

"Кредит уюмлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси тўғрисида

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг аъзоси А. Эрдонаев маъруза билан сўзга чиқди.

(Давоми 2-бетда).

БУ СОНДА:

2

Банк фаолияти

6

Инвестициялар

7

Тижорат
банклари
пассивларини
бошқариш

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 31 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	891,32
1 Англия фунт стерлинги	2102,29
1 Дания кронаси	192,84
1 БАА дирҳами	324,00
1 АҚШ доллари	1190,02
1 Миср фунти	207,86
1 Исландия кронаси	19,16
1 Канада доллари	1035,70
1 Хитой юани	147,61
1 Кувайт динари	4074,85
1 Россия рубли	42,46
1 Украина гривнаси	235,65
100 Ливан фунти	79,18
1 Малайзия ринггити	317,38
1 Норвегия кронаси	178,18
1 Польша злотийси	376,60
1 Сингапур доллари	730,57
1 СДР	1724,33
1 Туркия лираси	899,49
1 Швеция кронаси	155,81
1 Швейцария франки	926,09
1 ЕВРО	1439,45
10 Жанубий Корея вони	12,26
10 Япония иенаси	101,45

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъкур валюталарни ушбу қийматда сотиш

"БАНДЛИК" ДАСТУРИ АМАЛДА

Ўтган йили Бухоро вилоятининг Олот туманида 276 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. "Бандлик" дастурига мувофиқ кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобига туманда ўтган йили 1551 та янги иш жойи яратилди.

Статистика 2005 йилда тадбиркорлик тузилмаларини кредитлар билан таъминлаш 101,5 фоиз қилиб бажарилганлигини кўрсатмоқда. 2005 йилда АТ "Пахта Банк"нинг Олот бўлими томонидан учта тадбиркорга 2,8 млн. сўм миқдорида кредитлар берилди.

Олот туман ҳокимияти мутахассисларининг фикрича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда янги иш жойлари яратиш 2006 йилда ҳам асосий вазифалардан бири бўлиб қолади.

АТ "ПАХТА БАНК"НИНГ ФЕРМЕРЛАРГА КРЕДИТЛАРИ

2005 йилда "Пахта Банк" акциядорлик-тижорат банкнинг Навоий филиали томонидан деҳқон-фермер хўжаликларига 6 млрд. сўмдан кўпроқ кредитлар берилди. Бундан ташқари, Осиё тараққиёт банки линияси бўйича 1 млрд. сўм кредит ажратилди. Кўпгина деҳқон-фермер хўжаликлари банк кредитидан фойдаланиб, лизингга қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олди. Техника сотиб олганлар орасида Қизилтепа туманидан фермер Обид Олимов ҳам бор. Унинг сўзларига қараганда, бу йил у қўшимча 5 донга қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олмоқчи. Бунинг учун яна 137 млн. сўм миқдорида кредит олишни ният қилган.

АТ "Пахта Банк" Навоий филиали мижозлари эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш учун 2005 йилда Тошрабат, Хатирчи ва Қизилтепа туманларида учта мини-банк очди. Шу тариқа мини-банклар сони 16 тага етди.

Асатилло ҚУДРАТОВ,
Бухоро, Навоий вилоятлари.



АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 31 январ ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1200,00	1203,00	1440,00	1461,00
"Асака" банки	1202,00	1205,00	1442,00	1457,00
"Ўзсаноатқурилишбанк"и	1200,00	1205,00	1442,00	1463,00
"Пахта Банк"	1203,00	1205,00	1456,00	1457,00
"Халқ банк"и	1201,00	1205,00	1440,00	1449,00
"Ипотекабанк"	1202,00	1205,00	1440,00	1450,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1199,50	1201,50	1450,00	1459,00
"ЎздЭУбанк"	1195,00	1205,00	1463,00	1473,00
"Ўзприватбанк"	1196,00	1201,00	1440,00	1452,00
"Ғаллабанк"	1200,00	1205,00	1440,00	1458,00
"Трастбанк" АББ	1203,00	1205,00	1455,00	1458,00
"Алп Жамол банк"	1200,00	1205,00	1452,00	1458,00
"Алокабанк"	1202,00	1205,00	1442,00	1463,30
"У-Т банк"	1203,00	1205,00	1448,00	1458,00
"Туронбанк"	1200,00	1203,00	1443,00	1451,00
"Равнақбанк"	1203,00	1205,00	1440,00	1460,00
"Савдогарбанк"	1200,00	1205,00	1440,00	1455,00
"Ипак йули" банки	1200,00	1205,00	1451,52	1457,57
"Тадбиркорбанк"	1202,00	1203,00	1454,00	1455,00
"Туркистон" банк	1203,00	1205,00	1456,00	1459,00
"Даврбанк"	1202,00	1204,00	1450,00	1465,00
"Кредит-Стандарт" банки	1200,00	1202,00	1439,57	1460,00
"Капитал банк"	1203,00	1205,00	1439,50	1454,40
"Содерат банк"	1202,00	1205,00	1440,00	1460,00
"Ҳамкор" банк	1203,00	1205,00	1440,00	1460,00
"Универсалбанк"	1201,00	1205,00	1452,00	1457,00
"Парвинабанк"	1203,00	1205,00	1440,00	1457,00



“МАТОНАТ”-ҚАРИЯЛАР УЧУН ИШОНЧЛИ ОМОНАТ

Халқ банки республикада фаолият юритаётган энг кекса ва универсал банклардан бири. Аҳоли бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб этиш борасида ҳам банкнинг кўп йиллик тажриба ва анъанаси мавжуд. Айни вақтда Халқ банки 20 га яқин омонат турлари жорий этган. Шулардан энг янги ва юқори фоизли омонат – Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини моддий қўллаб-қувватловчи “Матонат” омонат туридир. Ушбу омонат тури йилига 36 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан очилган бўлиб, омонатга қарияларнинг пенсиялари пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади. Омонатда сақланган маблағларга ҳар ойнинг биринчи кунига фоиз даромади ҳисобланади, қолдиққа қўшилади ва омонатчиларнинг биринчи талаби билан олиб берилади. “Матонат” қарияларимизнинг пенсия жамғармаларини ишончли ва фойдали тарзда сақлаш учун қўлай омонат туридир.

Эъзоз КАМОЛОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари иштирок этган модда-модда муҳокама чоғида мазкур ҳужжатни янада такомиллаштиришга доир таклифлар кўриб чиқилди. Киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

“Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Н. Аҳмаджонов тақдим этди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг модда-модда муҳокамасидан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси А. Алимов “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Ҳужжатнинг ҳар бир моддаси кўриб чиқилаётганда киритилган таклифлар ва билдирилган мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонун қабул қилинди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси И. Кочмарикнинг маърузаси бўйича депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси то-

монидан қабул қилинган ва Сенати томонидан рад этилган “Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонун юзасидан келишмовчиликларга барҳам бериш учун келишув комиссияси тузиш масаласини кўриб чиқдилар. Муҳокамадан кейин комиссия таркибига Қонунчилик палатасининг уч нафар депутатини сайлаш ва келишув тартиб-таомилларида қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг вакилини таклиф этишга қарор қилинди.

“Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартномани (Москва, 2005 йил 14 ноябр) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М. Тешабоев тақдим этди. Ушбу лойиҳани муҳокама қилиш вақтида депутатлар мамлакатимиз хавфсизлиги ва тарққиётини таъминлаш учун Ўзбекистон-Россия ўзаро манфатли муносабатларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М. Тешабоев “ГҲУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Конвенцияни (Ялта, 2001 йил 7 июн) денонсация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси тўғрисида ҳам ахборот берди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг батафсил муҳокамасидан кейин Қонун қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлиси 2006 йил 31 январда давом эттирилади.

ЎЗА.

“ПАХТА БАНК” “ҚУВОНЧ”И

Пул маблағларини омонатга жалб қилишда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун молия муассасаси ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини вақтида бажариши, барқарор молиявий фаолият юритиши лозим.

Ушбу йўналишдаги изчил фаолиятни бугун биз акциядорлик-тижорат “Пахта Банк” мисолида кўришимиз мумкин. Мазкур банк республика депозит бозоридаги ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш ҳамда ўзи таклиф қилаётган хизматлар доирасини кенгайтиришга алоҳида аҳамият бериб бормоқда. Банк депозит ҳамда фоиз сиёсати стратегиясини тўғри танлаганлиги натижасида омонатчилар сони йил сайин ўсиб бормоқда. Хусусан, 2006 йил 1 январ ҳолатига кўра банкнинг жами омонатчилари сони 240 мингдан ошган. Улар ўз бўш пул маблағларини “Саломатлик” (35%), “Мураббий” (32%), “Маиший тўлов” (коммунал тўловларини амалга

ошириш учун йиллик 30%) ҳамда муддатига мутаносиб равишда йиллик 24-37 фоиз даромад тўланадиган “Фаровонлик”, “Кафолат”, “Орзу”, “Мўъжиза”, “Имконият”, “Хазина” каби муддатли омонат ҳисобварақларида сақлаб келмоқда.

“Пахта Банк”нинг депозитлар борасидаги навбатдаги янгилиги эса, унинг “Қувонч”идир. Мазкур омонат турининг йиллик фоиз миқдори 36% бўлиб, унга маблағлар 2006 йилнинг 10 февралигача бошланғич бадали 100 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда қабул қилинади. “Қувонч”га аъзо бўлган мижоз омонат учун ҳисобланган фоизларни ҳар ойда олиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳисобланган, бироқ олинма-

ган фоизлар омонатнинг асосий суммасига қўшилмайди. Омонат белгиланган муддатидан олдин олинганида ўтган давр учун тўланган фоизлар омонатнинг асосий суммасидан ушлаб қолинади ва бу асосий сумма амалда сақланган кунлар учун “Талаб қилиб олингунча” омонат тури бўйича белгиланган фоиз ставкасида ҳақ тўланади. Омонат эгаси шартнома шартларига мувофиқ омонатни сақлаш муддати тугаганидан сўнг омонатини ҳисобланган фоизлари билан қайтариб олиш ёки “Пахта Банк” тизимидаги бошқа омонат турларидан бирига қайта расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

2005 йилда банк омонатларига жалб этилган маблағларнинг умумий миқдори 52,5 млрд. сўмга етказилди. Ушбу кўрсаткич, ўтган 2005 йилнинг бошига нисбатан 20,5 млрд. сўм (62,5%) га ошди.

Назира МАВЛОНОВА.

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК «АЛОҚАБАНК» МИСОЛИДА


Бугунги кунда республикада ишлаб чиқариш корхоналарини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда юқори технология ва инновация лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш каби вазифаларнинг амалда бажарилиши мутасадди ташкилотлар билан бир қаторда мавжуд тижорат банкларининг ҳам зиммасидаги муҳим вазифалардандир.

Ҳозирда мана шу вазифаларни оқилона бажариб, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк хизматларига бўлган талабини ўз вақтида қондириб келаётган АТ «Алоқабанк»нинг 2006 йил 1 январ ҳолатига бўлган банк активлари 32,4% га ўсди. Банк ўз сармоясини 5674 млн. сўмга оширишга муваффақ бўлди.

5186 нафар мижозга комплекс банк хизматларини кўрсатиб келаётган «Алоқабанк»нинг айни пайтда республика бўйича 12 та филиали, 17 та мини-банк, 25 та жамғарма кассаси ҳамда 31 та валюта айирбошлаш шохобчаси мавжуд. Улар мижозларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилиш билан бирга ўз молиявий барқарорлигини ҳам мустаҳкамлашга эришиб келмоқда.

Бундан ташқари, банкнинг амалиёт ва кредит фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, ҳисобот йилида банк халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари учун ажратган кредитлар қолдиғи 15057 млн. сўмни ташкил этмоқда. Уларнинг 2 млн. 384 минг сўми алоқа ва коммуникация соҳасига, 4 млн. 175 минг сўми ишлаб чиқаришга, 1 млн. 952 минг сўми қишлоқ ҳўжалиғига, 1 млн. 790 минг сўми савдо-саноат ва умумий овқатланиш хизматларига, 534 минг сўми қурилиш ишларига ҳамда 4 млн. 222 минг сўми бошқа тармоқдаги хизматларни ривожлантириш учун йўналтирилган. Шунингдек, банк мижозларнинг талабини ўрганиб, жорий йилда депозит сертификатларининг бешинчи эмиссиясини муомалага чиқарди ва уларнинг фоиз миқдорини муддатларига қараб 8 фоиздан 15 фоизгача қилиб белгилади.

«Алоқабанк» Юртбошимизнинг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги ПҚ 147-сонли Қарори талабларининг ижросини таъминлаш



юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, банкнинг жойлардаги филиалларида нақд пул маблағлари билан боғлиқ масалалар устидан доимий мониторинг ўрнатилган, фуқаролардан тушаётган шикоят ва таклифларни тезкорлик билан кенг ва атрофлича ўрганиб чиқиш яхши йўлга қўйилган. Бунга ҳозирги кунда банк аҳолининг 5524 млн. сўм миқдоридаги бўш пул маблағларини муддатли ва жамғарма омонатларга жалб қилиб, улар бўйича фоиз тўловларини ўз вақтида бериб бораётганлиги яққол мисол бўла олади.

«Алоқабанк» бугунги кун имкониятлари ва мижозлар талабини ҳисобга олган ҳолда, ташқи иқтисодий фаолият бўйича тўлиқ хизматлар кўрсатишни, яъни факторинг, лизинг операцияларини ҳамда қимматли қоғозлар билан боғлиқ амалиётларни ҳам кенгайтириб бормоқда.

Янги 2006 йилда банк ўз эътиборини кўпроқ пластик карточкалар эмиссиясига қаратмоқда. Замонавий хизмат тури ҳисобланган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимидан эндиликда «Алоқабанк» мижози бўлган барча жисмоний ва юридик шахслар фойдаланиш имконига эга бўлади.

Гулшан ЮСУПОВА.

«Banklararo maslahat xizmati» компанияси томонидан 2006 йил 31 январ ҳолатига ҳисобланган UZIBOR, UZIBID ва UZIAR

Номи	1 кун		1 ҳафта		1 ой		2 ой		3 ой		6 ой		9 ой		12 ой	
	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid
“Асака” банки	10↓	9↓	12↓	11↓	14↓	13↓	15↓	14↓	15↓	14↓	16↓	15↓	16↓	15↓	17↓	15↓
“Капиталбанк”	11↑	10↑	14↓	12↓	15↑	13↓	15↓	14↓	16↓	15↓	16↓	15↓	17↑	16↓	17↓	16↓
“Ғаллабанк”	10↓	9↓	11↓	10↓	12↓	11↓	12↓	11↓	14↓	13↓	14↓	13,5↓	15↓	14↓	16↓	15↓
“Ипак йўли” банки	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a
“Ипотека банк”	12↓	10↓	13↓	11↓	14↓	12↓	16↑	14↑	17↑	15↑	18↑	16↑	18↑	16↑	18↑	16↑
Халқ банки	12↓	10↑	14↑	12↑	15↓	13↑	16↓	14↑	16↓	14↑	16↓	14↑	16↓	14↓	16↓	14↓
ЎзР ТИФ МБ	11,75↓	10↑	13,75↓	11,75↑	15↓	12↓	15,25↓	12,25↓	16↓	13↓	16,75↓	13,75↓	17,5↓	14,5↓	18↑	15↑
“Пахта Банк”	10↑	8↑	11↑	9↓	12↓	10↓	14↑	11↑	15↑	12↑	15↑	12↑	16↑	14↑	17↓	14↓
“Равнақбанк”	11↓	9↑	14↑	12↑	15↓	14↑	15↓	14↓	16↓	15↓	16↓	15↓	17↓	16↑	17↓	16↓
“Трастбанк”	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a
Ў-Тбанк	11↓	9↓	14↑	12↓	15↑	14↑	15↓	14↓	16↓	15↑	17↓	15↓	17↓	16↓	18↑	16↓
“Ўзприватбанк”	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a
UZIBOR	10,95↓		13,35↓		14,6↓		15,05↓		15,8↓		16,15↓		16,6↓		17,2↓	
UZIBID	9,4↓		11,55↓		12,6↓		13,65↓		14,2↓		14,55↓		15,1↓		15,4↓	
UZIAR	10,18↓		12,45↓		13,60↓		14,35↓		15,00↓		15,35↓		15,85↓		16,30↓	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ҚАРОРИ

2005 йил 26 ноябр

N 26 А/3

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил "26" ноябрдаги 26-А/3-сонли қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН №622

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ХУДУДИЙ БОШ БОШҚАРМАЛАРИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБ КАССА МАРКАЗЛАРИДА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

(Охири. Боши 4-сонда).

3. Бэк-офис томонидан Марказий банкнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ операцияларни ўтказиш тартиби

31. Бэк-офис Марказий банк ва унинг Бош бошқармаларининг асосий воситалари, номоддий активлари, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларининг омбордаги ва фойдаланиш жараёнидаги ҳаракати бўйича, капитал қўйилмалар ва таъмирлаш бўйича, Марказий банк ва Бош бошқармаларнинг маъмурий харажатларини ҳисобини юритади.

32. ҲККМ тўловчи сифатида қатнашиб мемориал ордер ишлатган ҳолларда, ушбу тўловни амалга оширишга асос бўлган Марказий банк тегишли бўлинмаларининг бирламчи ҳужжатлари унга илова қилинади. Мазкур тўлов ҳужжатлари ҲККМ директори ва бош ҳисобчиси имзоси билан тасдиқланади, қолган ҳолларда эса, мемориал ордер бош ҳисобчи ёки унинг ўринбосари, сўнгги назорат бухгалтери ва ушбу банк ҳисобварағини юритувчи Бэк-офис масъул ижрочи бухгалтерининг имзоси билан расмийлаштирилади.

33. Мемориал ордерлар билан бажариладиган операцияларнинг қонуний бажарилиши Бош бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосари - Ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоб таҳлили ва ахборотлаштиришни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, Ҳисоб-китоб касса маркази директори ва бош ҳисобчиси ёки бош ҳисобчининг ўринбосари зиммаларига юклатилади.

34. Бэк-офис масъул ижрочи бухгалтери мазкур Низомнинг 20-бандига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатлар (фармойишлар)ни қабул қилади ва пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари маълумотлари (реквизитлари)ни дастурга киритади ҳамда электрон тўлов тизими орқали ўтказиш учун асос бўлган тўлов ҳужжатлар (фармойишлар)ини сўнгги назорат бухгалтерига банкнинг ички ҳужжат айланмасига мувофиқ жўнатади.

35. Бэк-офис масъул ижрочи бухгалтери Фронт-офис томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асл нусхалари асосида дастурга киритилган тўлов ҳужжатлари маълумотлари (реквизитлари)нинг тўғри киритилиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

IV. Сўнгги назорат

1. Умумий қоидалар

36. Сўнгги назорат бухгалтери мазкур Низомнинг 1-бандига мувофиқ, амалиёт куни давомида Бэк-офиснинг масъул ижрочи бухгалтери бажарган ҳар бир

бухгалтерия амаллари учун асос бўлган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаси бўйича шакллантирилган электрон нусхасидаги маълумотларни ўзаро таққослаш орқали текширишни амалга оширади.

37. Сўнгги назорат банк амалларининг турларига қараб қуйидаги турларга бўлиниши мумкин:

мижозларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоб амаллари бўйича;

касса амаллари бўйича; халқаро ҳисоб-китоб амаллари бўйича;

банк ички амаллари бўйича.

Касса амаллари бўйича сўнгги назорат амалдаги йўриқномалар асосида ташкил қилинади.

38. Сўнгги назорат бухгалтери юқори малакага, етарли тажрибага эга бўлиши ва у бошқа бухгалтерия ходимлари билан ўриндошлик мажбуриятдан холи бўлиши лозим. Сўнгги назоратни амалга оширувчи ходим Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари — Ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоб таҳлили ва ахборотлаштиришни назорат қилиш бошқармаси бошлиғига тўғридан тўғри бўйсунди. Унинг иш жойи ҲККМда жойлашган бўлиши ва зарур компьютер техника воситалари, тўлов ҳужжатлари ва улар билан боғлиқ ҳужжатларга рухсат имзоси қўйиш ҳуқуқига эга бўлган Марказий банк, ҳудудий Бош бошқарма ва ҲККМ мансабдор ходимлари, шунингдек, бошқа масъул ходимларнинг имзо намуналари ҳамда мижозларнинг имзолари ва муҳр изи намуналари варақчалари (мижозларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоб амаллари бўйича) билан таъминланган бўлиши лозим.

39. Сўнгги назорат бухгалтери меҳнат таътилига чиқиши, касаллиги, хизмат сафари ва бошқа сабабларга кўра вақтинчалик иш жойида бўлмаган ҳолатларида унинг вазифалари Бош бошқарма бошлиғининг буйруғига кўра Бош бошқарманинг Ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоб таҳлили ва ахборотлаштиришни назорат қилиш бошқармасининг тегишли масъул ходимига юклатилади.

40. Сўнгги назорат бухгалтери қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) Бэк-офисда жорий назоратдан ўтказилган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаларини ва улар асосида дастурга киритилган тўлов ҳужжатларининг электрон нусхасини қабул қилиш;

б) Бэк-офис томонидан киритилган электрон тўлов ҳужжатлари билан ушбу операцияларни амалга ошириш учун асос бўлган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл (биринчи) нусхаларини ўзаро таққослаш ор-

қали сўнги назоратдан ўтказиш;

в) мижоз ҳисобварақларига келиб тушган маблағларни Бэк-офис томонидан ўз вақтида ва тўғри кирим қилиниши бўйича сўнги назоратни амалга ошириш;

г) кун охирида барча ҳисоб-китоб операцияларни тугатиб, шу куннинг END файли олингандан кейин барча ўтказилган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари, тегишли департаментлар бирламчи ҳужжатлари ва компьютер маълумотлари билан бирма-бир солиштириб чиқиш ва бухгалтерия журнаlinesи ХККМ директори ва бош ҳисобчиси билан биргаликда имзолаш;

д) Бэк-офисда амалга оширилган ҳамда сўнги "назоратдан ўтказилган барча операциялар бўйича аниқланган камчиликлар тўғрисида ҳисоботларни тузиш, таҳлил қилиш ва Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари - Ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоб таҳлили ва ахборотлаштиришни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи ҳамда ХККМ директорига тақдим этиш.

41. ХККМда сўнги назоратни ташкил этиш Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари - Ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоб таҳлили ва ахборотлаштиришни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, ХККМ директори ва бош ҳисобчиси зиммаларига юкланади.

2. Ҳисоб-китоб операцияларини сўнги назоратдан ўтказиш тартиби

42. Сўнги назорат бухгалтери тўлов ҳужжатининг асл нусхасида Фронт-офиснинг масъул ходими, Бэк-офиснинг масъул ижрочи бухгалтерининг имзолари ва штамп борлигини ҳамда уларни ўзида мавжуд бўлган имзо намуналарига мос келишини текширади. Сўнги назорат бухгалтери Фронт-офис масъул ходими томонидан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини мижозлардан қабул қилишда, ушбу пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўяш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

43. Марказий банкнинг молия-ҳужалик операциялари бўйича Бэк-офисдан келиб тушган тўлов ҳужжатларининг асл ва электрон нусхалари ҳамда ушбу операцияларни амалга ошириш учун асос бўлган Марказий банк тегишли бўлинмаларининг Хизмат фармойишларининг нусхалари сўнги назорат бухгалтери томонидан тўғри расмийлаштирилганлиги, хато ва камчиликлар йўқлиги текширилади.

44. Тўлов ҳужжати асл нусхаси билан унинг электрон, яъни Бэк-офис томонидан ўтказилган тўлов ҳужжатларини таққослаб сўнги назоратдан ўтказиш мақсадида, тўлов ҳужжатининг асл нусхасидаги қуйидаги маълумотларни дастурга:

- а) ҳужжатнинг рақами;
- б) тўловчининг ҳисобварақ рақами;
- в) олувчининг ҳисобварақ рақами;
- г) олувчи банкнинг коди;

д) тўлов суммасини қайта киритилади ва дастур тўғрилигини текшириб баённома чиқаради.

45. Сўнги назорат бухгалтери томонидан тўлов ҳужжатининг асл нусхаси маълумотларини қайта киритиш натижалари ижобий бўлган тақдирда, у тўлов ҳужжатининг асл нусхасига имзо чекади ва "Маъқулланди" штампини босади ҳамда унинг электрон нусхасига "Маъқулланди" электрон имзо қўйиб, бош ҳисобчига тасдиқлаш учун жўнатади.

46. Пул чеклари бўйича сўнги назоратни касса журнаlinesи юритувчи алоҳида сўнги назорат бухгалтери ўтказиши. Мазкур Низомнинг 30-бандига мувофиқ Бэк-офис масъул ижрочи бухгалтерининг тегишли жорий назоратидан ўтган пул чеклари ҳамда дастурга киритилган электрон касса чиқим ордерини қайтадан текшириб, мижознинг муҳр изи ва имзоларини ўзида мавжуд намуналар билан солиштириб, ундаги

маълумотларни чиқим касса дафтарида қайд қилади. Шундан сўнг, пул чекини имзолаган ҳолда кассага юборади.

47. Касса журнаlinesи юритувчи махсус бухгалтер Бэк-офис ходимлари томонидан чиқим операциялари амалга оширилгандан сўнг, электрон касса чиқим амалларини пул чекларининг асл нусхалари билан солиштириш орқали сўнги назоратни амалга оширади.

48. Бэк-офис масъул ижрочи бухгалтеридан келиб тушган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва уларнинг электрон нусхаларида хато ва камчиликлар аниқланганда, сўнги назорат бухгалтери тўлов ҳужжатининг асл ва унинг электрон нусхаларига имзо чекмасдан ("Маъқулланди" электрон имзони қўймасдан) уларнинг хато ва камчиликларини кўрсатган ҳолда Бэк-офисга ижросиз қайтаради.

49. ХККМ амалиёт куни охирида барча ҳисоб-китоб операциялари тугатилиб, шу куннинг END файли олингандан кейин сўнги назорат бухгалтери барча ўтказилган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари ва электрон база маълумотларини бирма-бир солиштириши шарт.

Барча маълумотлар солиштирилгандан сўнг Ахборотлаштириш Бош маркази масъул ходимлари томонидан ўрнатилган тартибда архивлаштириш ишларини амалга оширилади.

50. Мазкур Низомда сўнги назоратни таъминлаш бўйича белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан жавобгарлик сўнги назорат бухгалтерига тўлиқ юклатилади.

V. Ҳисоб-китоб касса маркази бош ҳисобчиси

51. ХККМ бош ҳисобчиси Фронт-офис ва Бэк-офис бўлинмаларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этилиши, уни амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан юритилиши бўйича умумий раҳбарликни амалга оширади. Шу билан бирга, бош ҳисобчи моддий ва молиявий ресурслардан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланилиши ҳамда мулкнинг бут сақлалиши устидан назорат олиб борилишини таъминлаши лозим.

52. ХККМ бош ҳисобчиси лавозимга тайинланаётганда ва лавозимидан озод қилинаётганда ХККМда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этилиши ва юритилишининг аҳволи Марказий банк ҳудудий Бош бошқармасида тузиладиган комиссия аъзолари томонидан текширилиб ва текшириш натижалари тегишли маълумотномада акс эттирилиши лозим. Шундан сўнг, ХККМ бўлинмаларини топшириш ва қабул қилиш тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан расмийлаштирилади.

53. ХККМ бош ҳисобчиси зиммасига пул маблағлари ва моддий бойликларни бериш ёки қабул қилиш бўйича бевосита моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган вазифаларни, шунингдек ХККМ директори вақтинча ишда бўлмаган пайтларда унинг вазифаларини бажариб туришни юклатилиши мумкин эмас. Бош ҳисобчига бевосита чеклар ва бошқа ҳужжатлар асосида банк учун маблағ ва товар-моддий бойликларни қабул қилиш тақиқланади.

54. ХККМ бош ҳисобчиси бухгалтерия ҳисобининг юритилиши юзасидан белгиланган қоидалар асосида уни ташкил этиб, қуйидагиларни таъминлаши шарт:

а) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тўғри ташкил этилишини текшириш;

б) ХККМга келиб тушган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини уларга ишлов бериладиган барча бўлинмалардан ўтишининг аниқ муддатларига риоя этилиб, банкнинг барча тегишли ҳисобварақларида акс эттирилиб, ҳужжатлар айланишини, шунингдек, операцияларни

кунлик баламалар ва шахсий ҳисобварақларнинг айланма қайдномаларида ўз вақтида акс эттирилишини ташкил этиш;

в) мижозларнинг келиб тушадиган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари шаклига ва мазмунига кўра тўғри расмийлаштирилишини, шунингдек, уларнинг қонуний тарзда бажарилишини;

г) Фронт-офис, Бэк-офис ва сўнгги назорат бўлинмаларида барча босқичлардан ўтган тўлов ҳужжатларининг асл нусхасини электрон нусхалари билан солиштириш орқали тўғри расмийлаштирилишини текширишни;

д) келиб тушган пул маблағлари, товар-моддий бойликлари, асосий воситаларининг, қатъий ҳисобдаги бланкларнинг бут сақланишини, шунингдек улар ҳаракати билан боғлиқ операцияларнинг барчаси бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида тўғри ва тўлиқ акс эттирилишини;

е) иш куни охиригача кунлик баланс тузилишини яқунланиши, ўтказилган бухгалтерия тўлов ҳужжатларининг бут сақланиши, уларнинг белгиланган тартибда ҳар куни архивлаш тартибига риоя этилишини ва архивга топширилиши.

55. ҲККМ бош ҳисобчиси камомадлар юзага келиши, пул маблағлари ва товар-моддий бойликларнинг гайриқонуний тарзда сарфланиши, молиявий ҳамда хўжалик қонунлари бузилишининг олдини олувчи тадбирларни тайёрлашда фаол қатнашиши шарт. Мансабдор шахслар томонидан гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар қилинаётгани (яъни ошириб ёзиш, маблағлардан нотўғри фойдаланиш ҳамда бошқа қоидабузарлик ва мансабни суиистеъмол қилиш ҳоллари) маълум бўлган ҳолларда бош ҳисобчи чора кўриш учун бу ҳақида Бош бошқарма раҳбариятига ахборот беради.

56. Бош ҳисобчи ўзига бўйсунувчи ходимлар учун хизмат вазифаларини белгилаб беради. Бунда ҳар бир ходим ўз мажбуриятларини билиши ҳамда улар бажарилиши учун жавобгар бўлиши зарур. Бошқа бўлинмалар ва хизматларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда уни ташкил этиш масалалари билан шуғулланувчи ходимлари ўз вазифалари бўйича бош ҳисобчига бўйсундилар.

57. Бош ҳисобчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) бухгалтерия ҳисоби ва назорат ишлари тўғри ташкил этилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўришни ҲККМ директоридан талаб қилиш;

б) таркибий бўлинмаларда пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш, киримга ёзиш, сақлаш ҳамда сарфлаш юзасидан белгиланган тартибда амал қилинишини текшириб туриш;

в) ўзига бўйсунувчи ходимларнинг мукофотлари ҳажмларини белгилаш ёки мукофотдан маҳрум этиш тўғрисида таклифлар бериш ва бошқалар.

58. ҲККМ бош ҳисобчиси белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, дастлабки, жорий ва сўнгги назоратдан ўтган ҳамда Мазкур Низомнинг 45-бандига мувофиқ сўнгги назорат бухгалтеридан келиб тушган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларини қабул қилиб олади ва ушбу тўлов ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Марказий банк меъёрий ҳужжатларида ўрнатилган талабларга риоя қилиниши бўйича умумий назоратни амалга оширади.

Шундан кейингина барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларига ўрнатилган тартибда имзо чекиб, тасдиқлайди ва бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширади.

59. ҲККМ бош ҳисобчиси ҲККМда банк ҳисобварағи очиш учун Фронт-офисга мурожаат қилган мижозларнинг ҳужжатларини ўрганиб чиқади, улар билан белгиланган тартибда банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш шартномасини тузади, шунингдек, БДМАБга те-

гишли веномалар жўнатиб мижозларни рўйхатдан ўтказди ва уларнинг ҳисобварақларини очди ёки ёпади.

60. Бош ҳисобчи қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади:

а) ҲККМда бухгалтерия ҳисоби нотўғри юритилиб, оқибатда бухгалтерия ҳисоби палапартиш ҳолатга келган ва бухгалтерия ҳисоботи бузилганда;

б) пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш, киримга ёзиш, сақлаш ва сарфлаш юзасидан белгиланган тартибга зид операциялар бўйича ҳужжатлар ижрога қабул қилинган ҳамда расмийлаштирилган ҳолларда;

в) талаб қилиб олингунча ва бошқа ҳисобварақлар бўйича операциялар, шунингдек, дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар кечикиб ҳамда нотўғри амалга оширилганда;

г) камомадлар, дебиторлик қарзлари ва бошқа йўқотишларни бухгалтерия баланс ҳисоботларидан чиқариш тартиби бузилганда;

д) нотўғри бухгалтерия ҳисоботи тузилганда;

е) бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга доир бошқа қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилганда;

ж) банкнинг баланс ҳисоботида акс эттирилган маълумотлар ҳамда электрон тўловлар тизими орқали ўтказилган тўлов ҳужжатларининг қонунийлик ва бут сақланиш ҳамда кунлик архивлаш тартиби бузилганда.

61. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҲККМ бош ҳисобчиси билан тўлиқ-моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади. Бош ҳисобчининг тартиб-интизоми, моддий ва жиноий жавобгарлиги амалдаги қонунчиликка мувофиқ тарзда белгиланади.

VI. Яқуний назорат

62. ҲККМ амалиёт куни яқунлангандан сўнг, кунлик операция ҳужжатлари ўрнатилган тартибда тикилиб ва расмийлаштирилиб Бош бошқармалар раҳбарияти қошидаги Бош аудиторга текшириш учун топширилади. Бош аудитор томонидан эртанги кундан кечикмаган ҳолда ҲККМда амалга оширилган барча операциялар, Бош ва Ёрдамчи китоблардаги амал қилиб турган шахсий ҳисобварақлар, пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари электрон базага кирган ҳолда, ундаги мавжуд маълумотлар билан солиштирилиб, текширишдан ўтказилиши шарт.

63. Кунлик чоп этилган баланс маълумотлари билан унинг электрон баланс маълумотлари бир-бирига мос келмаган ҳолда, зудлик билан раҳбариятга маълумот берилади ва шу куннинг ўзида унинг сабаблари тўғрисида ҳудудий Бош бошқармалар раҳбарияти қошидаги Бош аудитор, Ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоб таҳлили ва ахборотлаштиришни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, сўнгги назорат бухгалтери, Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти (Ахборотни муҳофаза қилиш шўъбаси) ва Ахборотлаштириш Бош маркази ходимлари иштирокида далолатнома тузилади.

64. Ҳар ойнинг 1-санасига барча ҲККМ мижозлари томонидан ой давомида ҳисобварақларда операциялар амалга оширилишидан қатъи назар ушбу ҳисобварақлар ҳаракати тарихини 2 нусхада мижозларга тақдим этиб, 2-нусхасига мижоз (ҳисобварақларни тасарруф этувчилар)нинг тасдиқ имзоси олинади. Ҳар бир ҳисобварақ бўйича қолдиқлар чиқарилиб, ойлик қолдиқ қайдномалари (сальдовкалари) қолдиқлари билан солиштирилади ва қолдиқлар тенг келганда мазкур нусхалар алоҳида йиғма жилдга тикилиб, сўнгги назоратни амалга оширувчи ходим, Марказий банкнинг Ички аудит департаменти ходими ва/ёки ҳудудий Бош бошқармалар раҳбарияти қошидаги Бош аудитор ва ҲККМ бош ҳисобчиси томонидан имзоланади ҳамда улар

бўйича умумий назорат олиб борилади.

65. Хар ойда камида икки марта Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти (Ахборотни муҳофаза қилиш шўъбаси) ходимлари Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаси ХККМнинг кунлик бухгалтерия ҳужжатлари йиғма жилди ва кунлик баланси, қолдиқ қайдномалари (сальдовкалари)даги маълумотларини электрон маълумотлар базаси билан танлов асосида таққослаш ишларини амалга оширадилар ва бу ҳақида далолатнома тузадилар.

66. Хар йилнинг 1 январ ҳолатига ХККМ директори ва бош ҳисобчиси миҳозларга очилган ҳисобварақларни ўрнатилган тартибда қайта санокдан (инвентаризация) ўтказиб, бу ҳақида Бош бошқарма бошлиғига ёзма маълумот тақдим этадилар.

VII. Жавобгарлик ва назорат

67. Сўнгги назорат бухгалтерии томонидан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида ва уларни ўтказишда аниқланган хатоликларга Фронт-офис ва Бэк-офис масъул ижрочи бухгалтерлари жавобгар ҳисобланади.

Ҳудудий Бош бошқармалар раҳбарияти қошидаги Бош аудитор томонидан ХККМда амалга оширилган операциялар бўйича аниқланган хато ва камчиликлар учун бош ҳисобчи ва сўнгги назоратчи жавобгар ҳисобланади.

Касса операциялари бўйича аниқланган хато ва камчиликлар учун касса журнаlines юритувчи сўнгги назорат бухгалтерии ва бош ҳисобчи жавобгар ҳисобланади.

ХККМларда амалга оширилган эмиссия операциялари бўйича хато ва камчиликлар учун жавобгарлик касса мудирии, эмиссия операциялари бўйича масъул бўлган ХККМ директори ўринбосари ва бош ҳисобчи (ўринбосари)га юклатилади.

ХККМларида чет эл валютаси операциялари бўйича хато ва камчиликлар учун жавобгарлик мазкур опе-

рацияларни амалга оширувчи масъул ижрочиларга ва тегишли департаментлар бошлиқларига, Марказий банкда эса Халқаро ҳисоб-китоблар ва банклараро операциялар бўлими бошлиғига юклатилади.

68. Ягона электрон база маълумотларига, хусусан кунлик баланс маълумотларига, ҳисобварақлар айланмаси ва қолдиқлари электрон маълумотларига ноқонуний кириш (доступ) ва улардан нусха олиб, истаганча ўзгартиришлар киритиш каби ноқонуний хатти-харақатларнинг олдини олиш мақсадида Марказий банкнинг Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти ва Ахборотлаштириш Бош маркази ходимлари томонидан дастурга тегишли ҳимоя воситалари белгиланган тартибда ўрнатилиши лозим.

69. ХККМ маълумотлар базасининг эксплуатацияси ҳамда электрон архивларни жамлаш ишлари ўрнатилган тартибда Ахборотлаштириш Бош маркази томонидан амалга оширилади ва ушбу ишларни тўғри, ўз вақтида бажарилиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

70. Ушбу Низомда белгиланган талабларни ўрнатилган тартибда ижро этилиши бўйича назорати ва жавобгарлиги ҳудудий Бош бошқарманинг бошлиғи ва унинг ўринбосари - Ҳисоб, ҳисобот ва ҳисоб-китоб таҳлили ва ахборотлаштиришни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, ХККМ директори ва бош ҳисобчиси, ҳудудий Бош бошқарма раҳбарияти қошидаги Бош аудитор ҳамда сўнгги назоратни амалга оширувчи ходимлар, Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти (Ахборотни муҳофаза қилиш шўъбаси) ходимлари зиммасига юклатилади.

71. Ушбу Низом талабларини бузган масъул шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

**Марказий банк
Раиси ўринбосари**

А. Қ. ҚОДИРОВ

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2005 йил 24 декабрдаги
28-А/1-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН
№ 623**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲИСОБВАРАҚЛАР РЕЖАСИ (янги таҳрирда)

I. Ҳисобварақлар режасининг умумий тавсифи

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 1999 йил 25 декабрдаги 289-сонли "Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси" ва унга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этишнинг ягона методологик асосларини белгилаб беради.

Мазкур ҳисобварақлар режаси банк операцияларининг бухгалтерия ҳисобини акс эттириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳисобварақлар режаси банк операцияларининг ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш, гуруҳлаш ва уларга доир ҳисоботларни тузишда қўлланадиган Бош китоб ҳисобварақларини рўйхатидан иборатдир.

Хатоларни тўғрилаш ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш-

лар бўйича тузатишлар киритишда, ҳисобварақларнинг таърифларида кўзда тутилмаган бўлса ҳам ҳисобварақларнинг дебет ва кредитлари бўйича тузатиш ўтказмалари беришга руҳсат берилади.

Марказий банкнинг ҳисобварақлар режаси бухгалтерия ҳисобининг кўп валютали тизимига асосланган бўлиб, чет эл валютасидаги операцияларнинг ҳисоби юритилиши мумкин бўлган барча ҳисобварақларда хорижий валютадаги операциялар ҳисобини акс эттириш имконини беради. Хар бир валюта тури бўйича синтетик ҳисобни юритиш учун-алоҳида Бош китоб, аналитик ҳисобни юритиш учун эса Ёрдамчи китоблар очилади. Хар бир валюта бўйича Ёрдамчи китоблардаги суммалар йиғиндиси Бош китобларнинг тегишли баланс ҳисобварақларидаги суммалар йиғиндисига мос келиши керак. Банк томонидан амалга оширилган хар бир операция тегишли валюта тури бўйича Бош ва Ёрдамчи китобларда рўйхатга олинishi керак. Ҳисобот санасида Бош китобларнинг хорижий валюталар бўйича жами суммалари миллий валютага ўтказилади ва ҳисобот даври давомида амалга оширилган барча операциялар бўйича банкнинг жамланма

баланси тузилади.

Ҳисобварақларни кодлаштириш қуйидаги мақсадлар учун ишлаб чиқилган:

ҳисобварақларнинг Бош ва Ёрдамчи китобларда жойланишини энгиллаштириш;

ҳисобварақларни бир тизимда таснифлаш ва гуруҳлашга ёрдам бериш;

ҳисоб жараёнларини автоматлаштиришни энгиллаштириш;

операциялар ёзувини тезлаштириш.

Баланс ҳисобварақларининг Бош китобда кодлаштирилиш тизими қуйидаги схема бўйича бешта белгидан иборатлиги қабул қилинган:

C	MM	SS
---	----	----

C	Ҳисобварақ туркуми (категорияси):
1	Актив
2	Мажбуриятлар
3	Капитал
4	Даромадлар
5	Харажатлар
9	Кўзда тутилмаган ҳолатлар

MM	Ҳисобварақ туркумига тегишли асосий ҳисобварақлар (биринчи тартиб)
----	--


SS	Асосий ҳисобварақларга тегишли субҳисобварақлар (иккинчи тартиб)
----	--

Рақамли кодлаштиришга қуйидаги зарур шартлар жойлаштирилган:

жамланма ҳисобварақлар учун MM ва/ёки SS нол рақамларига эга (масалан, 10000-“Активлар”, 10100-“Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари” ва бошқалар);

“Активлар” бўлимидаги “... зарарларни қоплаш захираси” сарлавҳали субҳисобварақлар учун SS ўрнида 99 рақам қабул қилинган.

Ёрдамчи китобда шахсий ҳисобварақлар қуйидаги схема бўйича кодлаштирилади:



Бундан ташқари, операцияларни бошқариш мақсадида Ёрдамчи китобларга Марказий банк ҳамда тижорат банкларининг менежменти (бошқариши) учун зарур бўлган батафсил ахборотлар билан таъминловчи қўшимча маълумотлар киритилади.

Ҳисобварақлар режасида ҳар бир ҳисобварақнинг актив ёки пассив бўлиши аниқ белгилаб қўйилган, актив-пассив қолдиқларга эга бўладиган айрим ҳисобварақлар бундан мустасно. Актив ҳисобварақларга “Активлар”, “Харажатлар” ва “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” бўлимларидаги баланс ҳисобварақлари, пассив ҳисобварақларга “Мажбуриятлар”, “Капитал” ва “Даромадлар” бўлимларидаги баланс ҳисобварақлари тааллуқлидир.

Активларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида “Активлар” бўлимига контр-актив ҳисобварақлари, мажбуриятларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида эса “Мажбуриятлар” бўлимига контр-пассив ҳисобварақлар киритилган.

“Кўзда тутилмаган ҳолатлар” бўлимига операцияларни икки ёқлама ёзув услуби бўйича акс эттириш ва амалга оширилган операцияларнинг тўғрилигини

қўшимча назорат қилиш имконини берувчи контр-актив ҳисобварақлар киритилган.

Баъзи ҳисобварақлардан ташқари “Активлар” ликвидлилик, “Мажбуриятлар” эса муддатлилик тамойилларига асосан таснифланган.

Мазкур ҳисобварақлар режасида ҳар бир иккинчи тартибли баланс ҳисобварағи учун ҳисобварақ таърифи берилган бўлиб, унда ҳисобварақнинг дебети ва кредити бўйича қандай операцияларни акс эттириш, ҳамда аналитик ҳисобини юритиш кўрсатилган. Батафсил аналитик ҳисоб юритиш учун банкларда шахсий ҳисобварақлардан ташқари қўшимча журнал ҳисоби ва реестрлар юритилиши мумкин.

“Даромадлар” ва “Харажатлар” бўлими учун аналитик ҳисоб кўрсатилмаган бўлиб, ушбу бўлимлардаги ҳисобварақлар банк ички ҳисобварақлари ҳисобланади. Марказий банкнинг ички ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳисобварақларда аналитик ҳисобни юритиш белгиланади.

II. Ҳисобварақлар рўйхати

Коди	Номи
10000	АКТИВЛАР
10100	Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари
10101	Айланма кассадаги нақд пуллар
10105	Чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари
10107	Банкоматлардаги нақд пуллар
10109	Йўлдаги нақд пуллар
10113	Йўлдаги чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари
10200	Қимматбаҳо металллар
10203	Ҳалқаро андозага мос келувчи олтин
10207	Ҳалқаро андозага мос келмайдиган олтин
10211	Бошқа қимматбаҳо металллар
10299	Олтин ва бошқа қимматбаҳо металллар бўйича зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
10400	Норезидент банклардаги ҳисобварақлар
10401	Норезидент банклардаги вакиллик ҳисобварағи - Ностро
10405	Ҳисоб-китоб Марказидаги норезидент банклар вакиллик ҳисобварағи - Востро, овердрафт
10407	Норезидент банклардаги бошқа депозитлар
10500	Резидент банклардаги ҳисобварақлар
10501	Резидент банклардаги вакиллик ҳисобварағи - Ностро
10507	Резидент банклардаги депозитлар
10600	Халқаро молиявий институтлардаги ҳисобварақлар
10601	Халқаро Валюта Фонди (ХВФ)нинг Махсус қарз олиш ҳуқуқлари (SDR)
10605	Халқаро Валюта Фондига аъзолик бадали (обуна)
10627	Бошқа халқаро молиявий институтлардаги маблағлар
10700	Олди-сотди қимматли қоғозлари
10701	Давлат хазина векселлари
10705	Давлат облигациялари
10711	Корхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари
10715	Еврооблигациялар
10779	Бошқа қимматли қоғозлар
10791	Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)
10793	Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича мукофот
10795	Олди-сотди қимматли қоғозлар ҳақиқий қийматининг ўзгариши
10799	Олди-сотди қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

10800 Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар

- 10801-Давлат хазина векселлари
- 10805-Давлат облигациялари
- 10813-Корхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари
- 10817-Еврооблигациялар
- 10879-Бошқа қимматли қоғозлар
- 10889-Сотиш учун мавжуд қарз қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича харажатлар
- 10891-Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича дисконт (контр-актив)
- 10893-Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича мукофот
- 10895-Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши
- 10899-Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

11000 Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб Марказидаги резидент банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари

- 11001-Резидент банкларнинг вакиллик ҳисобварағи-Востро, овердрафт
- 11003-Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи - Востро, овердрафт
- 11005-Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи - Ностро

11300 Сотиб олинган векселлар

- 11309-Сотиб олинган/қайта ҳисобга олинган маҳаллий векселлар ва акцептлар-ҳужжатсиз
- 11311-Сотиб олинган/қайта ҳисобга олинган маҳаллий векселлар ва акцептлар-ҳужжатли
- 11315-Сотиб олинган/қайта ҳисобга олинган, муддати ўтган векселлар ва акцептлар
- 11319-Сотиб олинган/қайта ҳисобга олинган, суд муҳокамаси жараёнидаги векселлар ва акцептлар
- 11399-Сотиб олинган/қайта ҳисобга олинган векселлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

11400 Ҳукуматга берилган кредитлар

- 11401-Ҳукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар
- 11403-Ҳукуматга берилган махсус ссудалар
- 11405-Ҳукуматга берилган муддати ўтган кредитлар
- 11407-Ҳукуматга берилган бошқа кредитлар
- 11409-Ҳукуматга берилган, шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
- 11499-Ҳукуматга берилган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

11500 Мижозларнинг аккредитив ва/ёки траст ҳужжатлари билан кафолатланган Тратталари бўйича мажбуриятлари

- 11501-Мижозларнинг импорт билан боғлиқ векселлар бўйича мажбуриятлари
- 11505-Мижозларнинг траст ҳужжатлари билан кафолатланган импорт билан боғлиқ векселлар бўйича мажбуриятлари
- 11511-Муддати ўтган импорт билан боғлиқ векселлар ва акцептлар
- 11519-Суд жараёнидаги импорт билан боғлиқ векселлар
- 11599-Импорт билан боғлиқ ва маҳаллий вексел операциялари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

11800 Репо битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар

- 11801-Репо битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар
- 11899-Репо битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

12100 Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар

- 12101-Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар
- 12105-Бошқа банкларга берилган муддати ўтган кредитлар
- 12109-Бошқа банкларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
- 12199-Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

12400 Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар

- 12401-Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар
- 12405-Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган муддати ўтган кредитлар
- 12409-Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган, шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
- 12499-Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

14600 Резидент банкларга берилган узоқ муддатли қарзлар (займлар)

- 14601-Резидент банкларга берилган узоқ муддатли қарзлар (займлар)
- 14699-Резидент банкларга берилган узоқ муддатли қарзлар (займлар) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

14800 Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли қарзлар (займлар)

- 14801-Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли қарзлар (займлар)
- 14899-Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли қарзлар (займлар) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

15700 Суд жараёнидаги кредитлар ва қарзлар (займлар)

- 15701-Суд жараёнидаги кредитлар ва қарзлар (займлар)
- 15799-Суд жараёнидаги кредитлар ва қарзлар (займлар) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)


15800 Қарам хўжалик жамиятларига ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар

- 15801-Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар – Халқ банки
- 15805-Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар – Марказий банк тасарруфидаги корхоналар
- 15821-Шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар – Марказий банк тасарруфидаги корхоналар
- 15899-Қарам хўжалик жамиятларига ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар бўйича зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

15900 Сўндириш муддатида сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар

- 15901-Давлат хазина векселлари
- 15905-Давлат облигациялари
- 15911-Еврооблигациялар
- 15913-Корхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари
- 15979-Бошқа қарз қимматли қоғозлар
- 15989-Сўндириш муддатида сақланадиган қарз қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича харажатлар

(Давоми бор).



ВАЛЮТА ИТТИФОКИ ШАКЛЛАНМОҚДА

Матбуотда кенг ёритилганидек, Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг Санкт-Петербургда бўлиб ўтган саммитида Ўзбекистон Республикаси ушбу ташкилотга расман аъзо бўлди. Давлатлараро кенгашнинг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ЕвроосиёИХ фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ҳамжамиятга аъзо бўлиши муносабати билан ташкилотнинг режалари, унинг доирасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабат механизмлари қайта кўриб чиқилади. ЕвроосиёИХнинг фақат иқтисодий тузилма сифатидагина эмас, балки халқаро ташкилот сифатида ҳам нуфузи ошиб бораётганлиги кўрсатиб ўтилди.

ЕвроосиёИХнинг стратегик мақсадлари аъзо мамлакатлар ўртасида интеграцияни ривожлантиришга қаратилган. Бу мураккаб вазифа босқичма-босқич Эркин савдо минтақасини, сўнгра эса Божхона иттифоқини тузишни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси ягона умумий бозор шаклланишига олиб келади.

Ўзбекистоннинг ЕвроосиёИХга қўшилиши Евроосиё минтақасида, масалан, транспорт коммуникациялари, энергетика, халқаро савдо ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Мамлакатимизда етиштирилмаган пахта, чорвачилик маҳсулоти, қоракўл тери, поллиз маҳсулотлари ва мевалар, шубҳасиз, Россия ва Беларус бозорларида ўз халқаро рақобатини топади. Агар товарлар бу мамлакатлар орқали Европа бозорларига осонроқ етиб боришни ҳисобга оладиган бўлсак, ЕвроосиёИХнинг афзалликлари янада равшан бўлади.

Ўзбекистоннинг ЕвроосиёИХга қўшилиши унинг ҳар бир иштирокчиси учун фойдалидир. Чунки бизнинг мамлакатимиз энгил ва оғир саноатда, савдода, хизмат кўрсатиш ва транзит соҳасида, қишлоқ хўжалигида, энергетика, коммуникация ва бошқа соҳаларда жуда катта салоҳиятга эга.

Саммит якунида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мамлакатимиз Президентини Исрол Каримов алоҳида кўрсатиб ўтганидек, Ўзбекистоннинг ЕвроосиёИХга аъзо бўлиши ушбу тузилманинг салоҳияти ҳар томонлама ошишига ёрдам беради. Биргина энергетика соҳасига мурожаат қиладиган бўлсак, Уст-Юрт минтақасида амалга ошириладиган йирик лойиҳалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами нақадар катта эканлигини кўрсатади.

ЕвроосиёИХга аъзо давлатлар бошлиқлари томонидан Санкт-Петербургда тасдиқланган Интеграциялашган валюта бозорини ташкил этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим ЕвроосиёИХ валюта иттифоқини шакллантириш йўлидаги биринчи босқич бўлиши мумкин. Битим ҳамжамият қатнашчиларининг ташқи иқтисодий фаолиятига хизмат кўрсатиш учун миллий валюталардан фойдаланиш соҳасини кенгайтиришга хизмат қилиши керак.

“Ушбу ҳужжат ЕвроосиёИХга аъзо давлатлар хўжалик алоқаларини ривожлантириш соҳасидаги бир қатор режаларни амалга оширишга куч-қувват бағишлайди”, - деди В. Путин.

РФ президенти кўрсатиб ўтганидек, ЕвроосиёИХ олдида турган муҳим вазифа кўшма лойиҳаларга инвестициялар кириб келишини таъминлашдан иборат. “Бизнинг фикримизча, яқинда ташкил этилган Евроосиё тараққиёт банки молиялаш манбаларидан бири бўлиши мумкин”, - деди у ва банкнинг устав сармояси жуда салмоқли – 1,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этишини эслатиб ўтди. Банк фаолияти, энг аввало, ЕвроосиёИХ мамлакатларига йўналтирилади.

Саммитда ЕвроосиёИХ мамлакатлари ягона иқтисодий макон, божхона иттифоқи, умумий молия бозорини ташкил этишда суръатни бўшаштирмасликлари кераклиги кўрсатиб ўтилди. Бундай сиёсат миллий иқтисодиётларни юксалтириш учун янги имкониятлар очиб беради, демак давлатларимиз фуқароларининг фаровонлиги ва манфаатларига бевосита хизмат қилади.

ЎЗА ва чет эл матбуоти материаллари асосида.

25-КРЕДИТ УЮШМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви “Jahon” кредит уюшмасига (Анджон ш.) фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тегишли лицензияни топширди.

Уюшманинг пул маблағларидан ташкил этилган устав жамғармаси 11,5 млн сўмни ташкил қилади.

“Jahon” КУнинг асосий фаолияти аъзоларни молиявий ресурслар билан таъминлаш, шунингдек, маблағларни депозитларга жалб этиш орқали уларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳолини яхшилашга қаратилган.

Шу тариқа, Ўзбекистондаги кредит уюшмаларининг сони 25 тага етди.

МБ матбуот хизмати.

“АМУ-ЗАНГ” КАНАЛИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан хабар беришларича, Ўзбекистон “Аму-Занг” машина канали тизимини қайта тиклаш бўйича баҳоси 112,6 млн. АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳани амалга оширишга киришди. Лойиҳада мўлжалланган ишлар Осиё тараққиёт банки (ОТБ) иштирокида бажарилади.

Лойиҳани амалга ошириш юзасидан 2006 йилга мўлжалланган харид дастури ишлаб чиқилди. Дастур учта насос станциясини қайта тиклаш, насос ускуналари таъмирлаш, шунингдек, янги ускуналар сотиб олиш учун бош пудратчилар танлови бўйича дастлабки малака контрактларини амалга оширишни назарда тутди.

Контрактлар ОТБнинг 73,2 млн. АҚШ долларини мўлдориди кредитни ҳисобидан молияланади. Кредитни қайтариш муддати 25 йил бўлиб, шунинг 5 йили имтиёзли даврни ташкил қилади.

Лойиҳа 2009 йилгача мўлжалланган. Ундан мақсад Сурхондарё вилоятидаги “Аму-Занг” ирригация тизимини тиклашдир. Бу тизим 96,8 минг гектар ер майдонини сўғориш учун Амударё сувини етказиб берадиган насос станциялари туркуми ва каналлар тармоғидан иборат.

Лойиҳа вилоятнинг бешта туманида – Ангор, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Музработ ва Термиз туманларида амалга оширилади. Шунингдек, лойиҳада агросервис марказларини ташкил этиш, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларига, хусусий фермер хўжалиқларига хизматлар кўрсатиш ҳам назарда тутилган.

Британиянинг “Mott MacDonald” ва Туркиянинг “Temelsu” консалтинг компаниялари лойиҳанинг молиявий маслаҳатчилари этиб тайинланди. Бу компаниялар тендер асосида танлаб олинган.

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон ҳукумати 2005-2010 йиллар мобайнида 25 та мелиорация-ирригация лойиҳасини амалга оширишга 1,177 млрд. АҚШ долларини мўлдориди чет эл инвестицияларини жалб этишни режалаштирмоқда (лоийҳаларнинг умумий баҳоси деярли 2,2 млрд. АҚШ долларига тенг).

Ҳозирги кунда республикада 350 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, 30 минг км коллектор-дренаж тармоғини қайта қуриш, шунингдек, сизот сувларни чиқариб ташлаш учун янги коллекторлар қуриш талаб қилинади.

ЎЗБЕКИСТОНГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

ЎЗР ДМҚ матбуот хизматида хабар қилишларича, 2005 йилда хорижий инвесторлар билан 21,7 млн. АҚШ доллари ва 364,1 млн. сўмлик давлат активларини олиш-сотиш юзасидан 31 та шартнома тузилган. Шулардан 11 та шартнома – жами 45,9 млн. АҚШ доллари ва 6,03 млрд. сўм миқдоридан инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда тузилди (қиёслаш учун: мамлакатимиз инвесторлари билан 13 та шартнома тузилиб, улар жами 6,5 млн. АҚШ доллари ва 3,3 млрд. сўм миқдоридан инвестиция мажбуриятлари олган).

Хусусан, Самарқанд чой қадоклаш фабрикасининг мулкчи мажмуаси “All Americas International Inc.” компаниясига (АҚШ); “Ўзбекнефтгаз” МХКнинг Шега майдончасидаги қидирув қудуқлари “Лукойл” компаниясига (РФ); “Бухоро гипс” акциядорлик жамияти акцияларининг давлатга қарашли пакети (30 фоиз) – “Кнауфф” компаниясига (ГФР); “Тожметалл” акциядорлик жамияти акцияларининг давлатга қарашли пакети (25 фоиз) – “Эндевор ЛЛС” компаниясига (Эрон); “Оҳангаронцемент” акциядорлик жамияти акцияларининг давлатга қарашли пакети (25 фоиз) – “Бентонит” ҚКга; “Карбонат” акциядорлик жамияти акцияларининг давлатга қарашли пакети (25 фоиз) – “Shadella” компаниясига (Швейцария) сотилди.

Инвестицияларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш қувватларини янгиллашга, корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан жиҳозлашга сарфланади. Инвестиция мажбуриятлари жумласига технология ускуналари, янги технологияларни жорий этиш, эҳтиёт ва бутловчи қисмларни етказиб бериш, айланма маблағларни тўлдириш, кредиторлик қарзларини қайтариш ва бошқалар кирди. Бу тадбирлар самараси ўлароқ, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва сифатининг ошиши таъминланади. Масалан, “Бентонит” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси “Оҳангаронцемент” АЖ акци-

яларининг 25 фоизини 4,5 млн. АҚШ доллари тўлаш ва 5,0 млн. АҚШ доллари миқдоридан технология ускуналари етказиб бериш тарзидаги инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шартлари билан сотиб олди. Мана шу битим натижасида цементчилар жамоаси 60-70-йилларда чиқарилган эски ускунани алмаштиришга ва корхонани тўлиқ реконструкция қилишга киришди. Бу эса, келажакда чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини ошириш ва турини кўпайтириш, меҳнат самарадорлиги ва шароитларини яхшилаш имконини беради. Бу корхонада охириги йилда ўртача иш ҳақи 200 минг сўмдан ортиқ бўлди, холбуки, 2002 йилда у бор-йўғи 20 минг сўм эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 ноябрдаги 560-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган инвестиция дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, акциялар пакетларини ва бутун объектларни олиш-сотиш юзасидан Давлат мулки кўмитаси билан тузилган шартномаларга кўра республикага 2005 йилда давлат активларини сотишдан келадиган хорижий инвестициялар 50,0 млн. АҚШ доллари миқдоридан бўлиши тахмин қилинган эди.

Инвестиция дастурини бажариш доирасида 52,5 млн. АҚШ доллари (йиллик тахминнинг*105 фоизи миқдоридан) тушиши таъминланди. Шулардан корхоналарда 28912,38 минг АҚШ доллари ҳажмида инвестициялар ўзлаштирилди. Сотилган давлат активлари учун тўланган пуллар ҳисобига бюджетга 23548,2 минг АҚШ доллари тушди. Инвесторлар томонидан мажбуриятлар бажарилишининг мониторинги юқориди тадбир корхоналарга ўз ривожланиш стратегияларини анча қисқа муддатларда амалга ошириш имконини беришини кўрсатмоқда (“Чирчиқ трансформатор заводи” АЖ – инвестор “Seten Enterprises”, Хоразм автомобил-ишлаб чиқариш бирлашмаси – инвестор “Химреактивкомплект” ЁАЖ, “Сувмаш” ОАЖ – инвестор “Энергомашкорпорация” АЖ ва бошқалар).

Ахборот ва статистика бўлими томонидан тайёрланди.

ОЛМАЛИҚ КМКНИНГ БИР ЙИЛЛИК ЭКСПОРТИ

2005 йил мобайнида Олмалик кон-металлургия комбинати (Олмалик КМК) 308,9 млн. АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот экспорт қилди. Бу пулда ифодаланган прогноз кўрсаткичларга қараганда 44 фоиз кўндр. Умумий ишлаб чиқариш ҳажмида экспортнинг улуши 60 фоизни, ишлаб чиқарилган миснинг умумий миқдоридан 91,8 фоизни ташкил қилди. Олмалик КМК техник директори Сергей ДАБИЖА шу ҳақда хабар қилди.

Унинг айтишича, комбинат ўтган йили ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларини амалга ошира бориб, товар маҳсулот ишлаб чиқариш режасини амалдаги нархларда 101,7 фоиз, мис ишлаб чиқариш режасини 107,0 фоиз, олтингургурт кислотаси ишлаб чиқариш 111,5 фоиз, мис купороси ишлаб чиқариш 101,8 фоиз, тозаланган олтин ва кумуш ишлаб чиқариш тегишлича 101,0 фоиз ва 102,7 фоиз қилиб бажарди.

2004 йил якунларига қиёслаганда, 2005 йилда мис ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши 110,9 фоизни ташкил қилди. Тайёр маҳсулот ҳажмининг 90 фоизи комбинатнинг ўз хом ашёсидан ишлаб чиқарилган мисга тўғри келди. Кумуш ишлаб чиқариш 103,6 фоизга, олтин ишлаб чиқариш 103,9 фоизга кўпайди.

Булардан ташқари, ўтган йили Олмалик КМКда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш олдинги йилдагига нисбатан 47,1 фоиз кўпайтирилиб, ҚҚСни ҳисобга олмаганда 1,063 млрд. сўмликка ёки режадаги топшириққа нисбатан 112,7 фоизга етди.

Комбинат 2005 йилда амалга ошириши керак бўлган қурилишлар рўйхати бўйича 66,6 млрд. сўмлик инвестиция жалб этиши назарда тутилган эди. Амалда эса барча молиялаш манбаларидан ўзлаштирилган маблағ 73,5 млрд. сўмга етди, деб қўшимча қилди С. Дабижа.

Ўтган йили Олмалик КМК 5,217 млрд. сўми миллий валютада ва 16,706 млрд. сўми доллар эквивалентида бўлган, жами 21,925 млрд. сўмлик кредитни қайтарди.

Ресурсларни тежаш юзасидан комбинатда амалга оширилаётган дастур доирасида 2005 йилда Ангрен руда бошқар-


масида замонавий “Евро-Альфа” ҳисоблагичлари асосида электр энергиясини автомат тарзда ҳисобга олиш тизими жорий этилди. Бу эса электр энергияси харажатларини 2 фоиз қисқартириш имконини берди.

“Олмалик КМК” ОАЖ Ўзбекистонда мис ишлаб чиқарадиган бирдан-бир корхона бўлиб, мис-молибден ва кўрғошин-рух конларини қазिश ҳуқуқига эга.

“Ўзолмосолтин” ассоциацияси тугатилиши натижасида Ангрен, Қовилди (Тошкент вилояти) ва Чодак (Наманган вилояти) олтин-руда конлари, иккита олтин эритиш фабрикаси Олмалик КМК балансига берилди.

Хусусан, Олмалик КМК рафинадланган мис (катодлар), металл рух ва бошқа маҳсулот чиқаради. Республикада ишлаб чиқарилаётган кумушнинг тахминан 90 фоизи ва олтиннинг 20 фоизи шу комбинат ҳиссасига тўғри келмоқда.

2005 йилда комбинатда “TUVSert” халқаро сертификатлаш ташкилотининг комиссияси ишлади. Амалга оширилган экспертиза натижаларига кўра Олмалик КМКда ишлаб чиқариш жараёни ва пировард маҳсулот – катод мис ИСО 9001-2000 стандартларига тамомила мосдир.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ПАССИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Ҳозирги пайтда банк соҳасини ривожлантириш ва иқтисодий жиҳатдан юксалтириш учун кредит муассасаларининг барқарорлигига эришиш жуда муҳимдир. Маълумки, омонатларни жалб этиш ва банк ресурсларини кўпайтиришда бу соҳанинг обрўси ҳал қилувчи омил саналади. Бу обрў тижорат банклари пасивларини бошқариш сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари тармоғини кенгайтириш улар ўртасида депозитлар, банклараро кредит ва бошқа ресурсларни жалб этиш учун рақобатни юзага келтиради.

Кенг маънода пасив операцияларни бошқариш омонатчилар ва бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб этиш ва банк учун маблағ олиш манбаларининг тегишли комбинациясини белгилаш билан боғлиқ фаолиятдир. Тор маънода эса пасив операцияларни бошқариш деганда зарур ҳолларда қарз маблағлар топиш йўли билан ликвидликка бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилган ҳаракатлар тушунилади. Депозит сертификатларини жойлаштири олиш ҳамда евродолларлар ёки Марказий банк маблағларини қарзга олиш мумкинлиги банкнинг кам даромадли иккиламчи захира активларига камроқ даражада қарам бўлишига имкон беради. Бу эса унинг фойда олиш имкониятларини кенгайтиради. Лекин, бу операциялар таваккалчилик билан боғлиқдир. Пасив операцияларни бошқаришда ушбу қўшимча таваккалчиликни ва бундан ташқари, маблағларни жалб этиш харажатлари билан уларни қарзлар ва қимматли қоғозларга жойлаштиришдан олиниши мумкин бўлган даромад ўртасидаги нисбатни эътиборга олиш керак. Бинобарин, активларни бошқариш билан пасив операцияларни бошқариш ўртасидаги ўзаро алоқа банкнинг фойда кўриши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ресурслар негизи банк фаолияти учун биринчи даражали аҳамиятга эга. Биз биланмики, тижорат банклари актив операцияларни ўзларидан мавжуд бўлган ҳамда жалб этилган пул маблағлари доирасидагина амалга ошира оладилар. Бинобарин, айна пасив операциялар актив операцияларнинг ҳажми ва миқдосини белгилайди. Банк пасивларини шакллантириш ва мақбуллаштириш жараёни, тижорат банкларининг ресурс салоҳиятини ташкил этадиган пул маблағлари барча манбаларини сифатли бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Банкнинг барқарор ресурслар негизи унинг барча турдаги актив операцияларини муваффақиятли ўтказиш имконини беради. Шу сабабли, ҳар бир тижорат банки ўз ресурслари негизини ошириб боришга интилади.

Тижорат банклари қарз маблағларни кенгроқ жалб этмоқдалар. Активлар умумий ҳажмининг 80 фоиздан кўпроғи қарз маблағлар ҳисобига шаклланади. Банк операцияларидан олиннадиган нисбатан юқори бўлмаган фойда арзонгина қарз маблағларидан, шу жумладан, депозитлардан фойдаланишни, пировард натижада акциядорларнинг мақбул даромад олишларини таъминлайдиган микдорга етиши керак.

“Ҳамкорбанк” АТБ мисолида қарз маблағларининг шаклланишини таҳлил этадиган бўлсак, банкнинг 2006 йил 1 январ ҳолатига пасивлари жами 62251,7 млн. сўмни ташкил этса, шундан маҳаллий маблағлар 18,28% ни, ташқаридан жалб қилинган қарз маблағлари 26,85% ни, аҳоли омонатлари 34,05% ни, банк капитали эса 20,81% ни ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, банк пасивларини шакллантиришда банк асосан аҳолидан бўш пул маблағларини жалб қилиш ҳамда бошқа банклардан маблағ жалб этишга катта эътибор қаратмоқда.

Банк пасивларининг ўсиш тенденциясини кузатадиган бўлсак, 2004 йил давомида банкнинг соф пасивлари 24481,8 млн. сўмдан 45197,6 млн. сўмга, 2005 йил давомида эса 62251,7 млн. сўмга ошган. Сўнгги

икки йил давомида банк пасивлари 2,4 бараварга ошганлиги эса банкнинг барқарор ривожланиш йўлидан бораётганлигини кўришимиз мумкин. Ўсишга асосан аҳоли омонатларини жалб этиш орқали эришилаётганлиги банкнинг аҳоли ишончини қозонаётганлигидан далолат бермоқда.

Қарз маблағларини жамлаш имконияти кўп жиҳатдан қуйидаги ташқи омилларга боғлиқ бўлади:

- иқтисодий фаоллик даражасига;
- минтақанинг ривожланганлик даражасига;
- муқобил омонатлар имкониятларига;
- инфляция прогнозларига.

Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш сиёсатини ривожлантирадиган ва тўлдирадиган пасивларни бошқариш назарияси қуйидаги икки асосга эга.

Биринчиси - тижорат банки ликвидлик муаммосини қўшимча пул маблағларини капитал бозоридан сотиб олган ҳолда жалб этиш йўли билан ҳал эта бериши мумкин. Ушбу фикр-мулоҳаза Ғарб мамлакатларида рўёбга чиққан.

Иккинчиси - тижорат банки Марказий банк томонидан кенг миқёсда қарзга бериладиган пул маблағларидан ёки вакил банклардан қарзга олиннадиган, шунингдек, евровалюталар бозоридан олиннадиган қарзлардан фойдаланиб, ўз ликвидлигини таъминлаши мумкин.

Кейинги йилларда банклар ўз ликвидликларини таъминлаш учун қарз олишдан кенг миқёсда фойдаланишмоқдалар. Қарз маблағларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш кейинги йилларда банк кредитларига талаб ошганлиги ва талаб қилинганча сақланадиган омонатлар нисбатан секин кўпаяётганлиги билан белгиланади. Иқтисодий фаоллик кучайиши ва инфляция суръати ошиши хўжалик фирмаларининг кредитларга бўлган эҳтиёжлари ошишини аңглатар эди. Бундан ташқари фирмалар ҳам, жисмоний шахслар ҳам фойз ставкаларига нисбатан сезгирроқ бўлиб қолганлар.

Шулар муносабати билан, таъкидлаб ўтганимиздек, талаб қилинганча сақланадиган омонатлар секинлашди. Харажатлар кўпайиши банкларни ўз ресурсларидан фойдаланишга ундади. Бу эса ссуда депозитлар коэффициенти аввалги йиллардагига нисбатан ошишига олиб келади.

Бунинг оқибатида банкларнинг маблағларга эҳтиёжи вақти-вақти билан ошади. Банклар ушбу вақтинчалик эҳтиёжини халқаро амалиётда банклараро кредитлар, захира фондлари, РЕПО битимлари ёки евродолларлар бозоридан қарз олиш ёрдамида қондирадилар.

Банклараро кредитлар

Марказий банк ёки вакил банкдан қарз олиш захираларнинг (бинобарин, ликвидликнинг ҳам) ҳолатини яхшилаш учун маблағларни сафарбар этишнинг “ҳисоб ойнаси” (discount window) деб номланадиган бир усулидир. Захираларни бараварлаштириб боришнинг ушбу усули кенг ёйилмаган бўлса-да, бундай қарзлар Марказий банк томонидан назорат қилинади.

Кредитор банклар маблағ жойлаштиришдан наф кўришдан ташқари банк фаолиятининг бошқа масалалари бўйича ҳам амалий шериклик муносабатларини ўрнатиш имкониятига эга бўладилар. Молиявий барқарор катта банклардан ташқари, ташкил қилиниш, ривожланиш босқичида турган банклар бўш кредит ресурсларига эга бўлади. Улар ҳозирча мижозлар етишмаслиги даврини бошдан кечиришмоқда.

“Ҳамкорбанк” АТБ пасивларининг 2004-2005 йиллар давомида ўсиш тенденцияси тўғрисида маълумот

(млн. сўмда)

Банк пасивлари	01.01.2004 йилда	01.01.2005 йилда	01.01.2006 йилда
Жами пасивлар	24481,8	45197,6	62251,7
Шу жумладан, маҳаллий маблағлар	5783,1	7342,9	11382,8
Ташқаридан жалб қилинган маблағлар	5593	15626,9	16715,7
Аҳоли омонатлари	6.999,1	12134,9	21198,8
Банк капитали	6106,6	10092,8	12954,4

Кредит ресурсларининг ўрнини қоплаш муддатлари турличадир. Халқаро амалиётда 1,3 ва 6 ой муддатли депозитлар, бир кундан то бир неча йилгача энг юқори муддатли депозитлар кўпроқ тарқалган. Банклараро кредит (БАК) бўйича ставка одатда хўжалик юритувчиларга берилган кредитлар бўйича белгиланадиган фойз ставкаларидан пастроқ бўлади ва Марказий банкнинг расмий ҳисобга олиш ставкасига мувофиқ равишда тузатилади. Қарз олувчи банк бошқа банклардан кредит ресурслари жалб этишига унинг ўз мижозларининг қарз маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондириши, яъни ўз кредит қўйилmalarини кенгайтириши ҳамда банк ликвидлигини тартибга солиб бориш зарурияти сабаб бўлади. БАК жалб этиш иккита усулда: мустақил равишда тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан ёки молиявий воситачилар орқали амалга оширилади. Банкларнинг ўзлари БАК тўғрисида келишган тақдирда уларнинг муносабатлари махсус шартнома билан расмийлаштирилади. Банклараро шартномаларнинг аксарияти муддатли шаклда, қолганлари эса муддатсиз шаклда тузилади. Иқтисодий барқарорлик бўлмаган шароитда кредит бозоридан қандай вазият юзага келишини ва банкнинг молиявий аҳволи қандай бўлишини олдиндан билиш қийин. Чунки кредит ресурслари етишмаслиги ёки ортиқча бўлиб қолиши мумкин, Банклараро шартноманинг муддатсиз шакли БАКни шартномада белгиланган энг қисқа муддатга беришни кўзда туттади. Бу муддат туғанидан кейин кредит муддатсиз кредитлар тоифасига ўтади, яъни кредитор - банк томонидан олдиндан маълум қилган ҳолда истаган пайтда талаб қилиб олиниши мумкин. Кредит ресурсларини қарзга олган банк уларни қайтариш имкониятига эга бўлмаса, у бошқа банкларнинг муддатли қарзларидан фойдаланади.

Бўш ресурслар жалб этиш (жойлаштириш) тўғридан-тўғри (сотувчи - харидор) эмас, балки воситачи иштирокида кечади. Банкларнинг ўзлари, брокерлик идоралари, фонд биржалари, молия уйлари, кредит дўконлари шу йўсинда қатнашишлари мумкин.

Евродолларлар бозоридан қарз олиш

Евродолларлар бозоридан қарз олиш йирик тижорат банклари учун қулай бўлган пасивларни бошқариш воситасидир. Ундан чет элда филиаллари бўлган банклар ҳам, бундай филиаллари бўлмаган банклар ҳам фойдаланади. Евродолларлар АҚШ долларларида ифодаланган ва АҚШдан ташқаридаги тижорат банкларидан, шу жумладан, Америка банкларининг филиалларида сақланадиган қўйилmalarдир. Евродолларлар АҚШ банкнинг америкалик ёки чет эллик омонатчиси чет элдаги банкка ёки Америка банкнинг филиалига маблағ ўтказганида юзага келади. Ушбу операция ўтказилиши натижасида АҚШдаги омонатга эгалик қилиш ҳуқуқи чет элдаги молия муассасасига ўтади. Бу муассасанинг АҚШ долларларида қопланиши шарт бўлган мажбурияти юзага келади. Бу ҳолда АҚШдаги жами банк қўйилmalarни ўзгармасдан қолади. Лекин, чет элда АҚШ долларларидаги янги депозит мажбурияти - евродолларлар пайдо бўлади.

Евродолларлардаги қарзларнинг анча қисми Америка банкларининг чет элдаги ўз филиаллари олдидаги мажбуриятлари кўпайишида ифодаланади. Бунда қарзларнинг 75 фоизи Нью-Йоркдаги энг йирик банк муассасаларининг филиалларига тўғри келади. Ушбу депозитларни қабул қилиб оладиган Европа банклари ва филиаллари уларнинг эгаларига, одатда, АҚШ пул бозориданги ставкалардан юқори ставкалар бўйича фойз тўлайдилар ва Америкадаги ҳамда чет элдаги фирмаларга, шунингдек, АҚШ банкларига қарзга пул берадилар. Кредитга бўлган эҳтиёжни қоплашга етарли маблағни мамлакат ичидан жалб этиш тижорат банкларининг қурби етмаган тақдирда улар зарур ресурсларни олиш мақсадида евродоллар бозорига мурожаат қиладилар. Кўпинча бу манбадан банклардаги муддатли депозит сертификатлари суммаси қисқарган ёки бир озгина ошган даврларда фойдаланилади.

Шундай қилиб, тижорат банкларининг пасивларини бошқариш кредит муассасаси фаолиятининг жуда муҳим йўналиши саналади.

У. МАЛИКОВ,
“Ҳамкорбанк” АТБ берилган кредитларни мониторинг қилиш бўлими бошлиғи.
Х. ВОСИТОВ, АНДМНИИ.

2006 йил 24 январдан 30 январгача бўлган даврда

АҚШ долларининг миллий валюталарга нисбатан курсидаги



1 АҚШ доллари

Россия Федерацияси

24.01.2006 й.да	- 28,05	росс. рубли
01.2006 й.да	- 27,99	росс. рубли
13.01.2006 й.да	- 27,98	росс. рубли
27.01.2006 й.да	- 27,97	росс. рубли
28.01.2006 й.да	- 28,02	росс. рубли

Украина

24.01.2006 й.да	- 5,0500	гривна
25.01.2006 й.да	- 5,0500	гривна
26.01.2006 й.да	- 5,0500	гривна
27.01.2006 й.да	- 5,0500	гривна

Беларус Республикаси

24.01.2006 й.да	- 2151,50	бел. рубли
25.01.2006 й.да	- 2151,50	бел. рубли
26.01.2006 й.да	- 2150,50	бел. рубли
27.01.2006 й.да	- 2150,50	бел. рубли
30.01.2006 й.да	- 2150,50	бел. рубли

Эстония

24.01.2006 й.да	- 12,7354	крона
25.01.2006 й.да	- 12,7519	крона
26.01.2006 й.да	- 12,7666	крона
27.01.2006 й.да	- 12,8164	крона
30.01.2006 й.да	- 12,9384	крона

Латвия

1.01.2006 й.да	- 0,5663	лат
25.01.2006 й.да	- 0,5670	лат
26.01.2006 й.да	- 0,5678	лат
27.01.2006 й.да	- 0,5700	лат
30.01.2006 й.да	- 0,5756	лат

Литва

24.01.2006 й.да	- 2,8098	лит
25.01.2006 й.да	- 2,8142	лит
26.01.2006 й.да	- 2,8170	лит
27.01.2006 й.да	- 2,8288	лит
30.01.2006 й.да	- 2,8559	лит

Киргизистон Республикаси

28.01.2006 й.да	- 41,3226	сом
-----------------	-----------	-----

Тожикистон Республикаси

24.01.2006 й.да	- 3,2062	сомоний
26.01.2006 й.да	- 3,2072	сомоний
27.01.2006 й.да	- 3,2076	сомоний

Молдова

24.01.2006 й.да	- 12,8597	лей
25.01.2006 й.да	- 12,8691	лей
26.01.2006 й.да	- 12,8744	лей
27.01.2006 й.да	- 12,8853	лей
28-29.01.2006 й.да	- 12,8941	лей

Туркменистон

18.11.2004 й.да	- 5200,00	манат
-----------------	-----------	-------

Козогистон Республикаси

24.01.2006 й.да	- 132,31	тенге
25.01.2006 й.да	- 132,32	тенге
26.01.2006 й.да	- 131,92	тенге
27.01.2006 й.да	- 132,06	тенге
30.01.2006 й.да	- 132,13	тенге

Швейцария

24.01.2006 й.да	- 1,2593	швейц. франки
25.01.2006 й.да	- 1,2623	швейц. франки
26.01.2006 й.да	- 1,2637	швейц. франки
27.01.2006 й.да	- 1,2702	швейц. франки
27.01.2006 й.да	- 1,2850	швейц. франки

Япония

24.01.2006 й.да	- 114,64	япон иенаси
25.01.2006 й.да	- 115,09	япон иенаси
26.01.2006 й.да	- 115,80	япон иенаси
27.01.2006 й.да	- 116,40	япон иенаси
27.01.2006 й.да	- 117,37	япон иенаси

1 Англия фунт стерлинги

Буюк Британия

24.01.2006 й.да	- 1,7842	АҚШ долл.
25.01.2006 й.да	- 1,7829	АҚШ долл.
26.01.2006 й.да	- 1,7863	АҚШ долл.
27.01.2006 й.да	- 1,7795	АҚШ долл.
27.01.2006 й.да	- 1,7656	АҚШ долл.

1 евро

Евроминтақа

24.01.2006 й.да	- 1,2284	АҚШ долл.
25.01.2006 й.да	- 1,2268	АҚШ долл.
26.01.2006 й.да	- 1,2254	АҚШ долл.
27.01.2006 й.да	- 1,2203	АҚШ долл.
27.01.2006 й.да	- 1,2086	АҚШ долл.

* Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.

МЕВА-САБЗАВОТ САНОАТИНИНГ ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон 2005 йилда 90 млн. АҚШ долларидан ортиқ миқдорда янги узилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилди. 2004 йилда бу кўрсаткич 84 млн. АҚШ долларини ташкил қилган эди, - деди "Ўзвиносаноат-холдинг" компанияси раисининг биринчи ўринбосари Ботир Йўлдошев, мева-сабзавот саноати инвестиция ва экспорт имкониятларининг тақдиротига бағишланган видеоанжуманда сўзга чиқиб.

Анжуманни республика Савдо-саноат палатаси Ўзбекистоннинг Германия, Ҳиндистон ва Туркиядаги дипломатия ваколатхоналари билан биргаликда ташкил этди.

Б. Йўлдошев Ўзбекистоннинг мева-сабзавот саноати иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири эканлигини кўрсатиб ўтди. Ҳар йили республикада 5,3 млн. тонна мева-сабзавот маҳсулоти етиштирилади. Маҳаллий хом ашёдан қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари умумий ҳажмида тармоқнинг улуши 20 фоиздан ошади. Мамлакатнинг иқлим шароити хилма-хил витаминларга бой, ширин-шаккар мева-лар, узум, сабзавот, полиз маҳсулотларини кўплаб етиштириш имконини беради.

Унинг сўзларига қараганда, мамлакатимизда 147 хил мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Консерва саноати томонидан ишлаб чиқарилиб, экспортга жўнатилаётган асосий маҳсулотлар томат пастаси, концентрацияланган ва

табiiй шарбатлар, мева ва сабзавот пасталари, бўтқалар, жемлар, маринадлар, шунингдек, қуритилган мева ҳамда сабзавотлардан иборат. Булардан ташқари 20 млн. далгача узум виноси, коньяк, ликер-ароқ маҳсулотлари ва шампан виноси ҳам тайёрланади.

Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан 15 мингдан ортиқ фермер хўжалиги, 600 дан кўп қайта ишловчи корхона шугулланади. Жаҳон бозорининг етакчи мамлакатларидаги шериклар билан 90 дан ортиқ қўшма корхона ташкил этилган. 2005 йилда тармоққа 25,3 млн. АҚШ долларидан кўпроқ чет эл инвестицияси жалб этилди, деб хабар қилди Б. Йўлдошев.

Шу йил январ ойида "Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси "Ўзвиносаноат-холдинг" компаниясига айлантирилди. Компания спирт, ликер-ароқ ҳамда вино маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш билан шугул-

ланади. Консерва саноати корхоналари эса мустақил иш олиб бориши ҳам, агрофирмалар таркибида бўлиши ҳам мумкин.

Видеоанжуманда бешта қайта ишловчи корхона: У. Юсупов номидаги, "Шахрисабзконсерва", "Шахрисабз вино-ароқ", "Наманганвино", "Паркентшароб" очиқ акциядорлик жамиятларининг алоҳида инвестиция лойиҳалари тақдим этилди. Хусусан, У. Юсупов номи ОАЖ раиси Шухрат Нурматов 1 млн. АҚШ долларидан кўпроқ миқдорда ташқаридан молиялашга эҳтиёж борлигини маълум қилди. Бу маблаг соатига 1,5 тонна томат пастаси ва мева бўтқасини асептик қадоклаш бўйича универсал линия ташкил этиш учун зарур. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш маҳсулот экспортини 3 млн. АҚШ долларигача кўпайтириш имконини беради.

"Паркентшароб" АЖга чет эл инвестициялари соатига 20 тонна юқори сифатли спиртсиз ва шампан вино материаллари ишлаб чиқариш мақсадида узумни бирламчи қайта ишлаш линиясини ташкил этиш учун зарур.

Бевосита алоқа сеанси вақтида чет эллик шерикларга хорижий инвесторларга бериладиган имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот берилди.

"Туркистон-пресс" НАО.

ФАРМОН ИЖРОСИ БИЛАН



*Аёл борки, олам мунаввар!
Аёл кирган даврага гўзаллик,
самимият киради. Аёл кирган хонадонда
чироқ ёнади, қозон қайнайди.
У чиқиб кетса, изидан
хуш бўйлар, хуш сўзлар қолади...*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини бажариш юзасидан белгиланган тадбирлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"да хотин-қизлар кўмитаси таркибидаги ташкилий ишлар, маънавият ва маърифат масалалари, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини жорий этиш шўъбалари томонидан ўтган 2005 йил мобайнида "Оила ва жамият" газетаси, "Оила" маркази, O'zLiDePнинг "Аёллар қаноти", перинатал марказ мутахассислари ҳамда таниқ-

ли олимлар ва санъаткорлар билан ҳамкорликда "Аёл - миллат таянчи", "Аёл бор-ки, олам мунаввар", "Қайнонам - онам, келиним - болам" мавзуларида тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда ёш хотин-қизлар орасида "Балли, қизлар!" мусобақаси, "Банк тарихини ўрганамиз" викторинаси ўтказилди.

Янги, 2006 йилнинг маънавият-маърифат йўналишидаги биринчи тадбири банк хотин-қизлари учун "Аёл қалби" мавзусидаги давра суҳбати бўлди. Юртимизнинг таниқли санъаткорлари - Ўзбекистон Республикаси халқ артистлари Марям Ихтиёрова ва Зулайхо Бойхоновалар иштирокида ўтказилган ушбу тадбир иштирокчилар ва томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Банк тренинг маркази.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚЎШМА ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Қозоғистон ва Россия 1,5 млрд. АҚШ долларидан иборат сармоёга эга бўлган банкни таъсис этдилар

Россия ва Қозоғистон президентлари қўшма инвестиция банки ташкил этганликларини эълон қилишди. Устав сармоёси 1,5 млрд. АҚШ долларидан иборат бўлган Евроосиё тараққиёт банки Россия ва Қозоғистондан ташқари Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Беларусни ҳам бирлаштирган Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (Евроосиё ИХ) ташкилотига аъзо мамлакатлардаги инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун ташкил этилди. "Ушбу Россия-Қозоғистон банки амалда Евроосиё ИХни янги босқичга олиб чиқади", - деди Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоев Россия президенти Владимир Путин билан бирга ҳужжатларни имзолаш маросимида. Давлатлараро банк раҳбари этиб 2005 йил сентябр ойида Москвадаги Номос-банк президенти Игор Финогенов тайинланган эди. Банк бошқарувчисининг ўринбосари Қозоғистондан бўлади. Янги банк муассасасининг бош офиси Олмаота шаҳрида, филиали эса Санкт-Петербургда жойлашади. Бундан аввалроқ Россиянинг ОАВ Молия вазирлиги хабарига таяниб, Россия банк сармоёсига 1 млрд., Қозоғистон эса 500 млн. АҚШ долларини қўшажагини эълон қилган эди. Бундан ташқари, бошқа мамлакатлар ҳам банк акциядорлари бўлиши мумкин.

АНГЛИЯ БАНКИ:

Марказий банклар активлар баҳосини кузатиб туришлари керак

Марказий банкларнинг вакиллари фоиз ставкаларини ишлаб чиқиш ҳақида қарорлар қабул қилиш вақтида дунё бўйича активлар баҳосини ҳисобга олишлари керак, - деди Англия банки раҳбари Мервин Кинг. Шунингдек у Британия иқтисодиётининг ўсиши тезлашганлигини, инфляция эса пасайиб, банк эришмоқчи бўлган 2 фоиз даражасига яқинлашганлигини ҳам кўрсатиб ўтди. У Кент графлигида ишбилармонлар ҳамжамияти вакиллари олдида сўзга чиқиб, узоқ муддатли реал фоиз ставкалари "ғоят пастлигини" айтди. "Шу сабабдан, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш вақтида активлар баҳосининг кенг спектрида мавжуд бўлган ахборотни диққат билан кузатиб бориш зарур", - деди у.

ХИТОЙДА ЯИМ 9,8 ФОИЗ ЎСДИ

Хитойнинг ялпи ички маҳсулоти 2005 йилда 9,8 фоиз ўсди. Шу туфайли солиқ тушумлари 20 фоиз ёки 3,09 трлн. юангача (383,1 млрд. АҚШ долларигача) кўпайди, - деди солиқ хизматининг бошлиғи Се Сюй-жен. Унинг сўзларига қараганда, ўтган йили ЯИМ номинал ҳисобда, яъни жорий нархларни ҳисобга олганда 13-14 фоиз ўсган. Саноат ишлаб чиқариши эса шу ҳисобда 19 фоиз ўсган. Миллий тараққиёт ва ислохотлар комиссиясининг вакиллари ҳам илгарироқ ЯИМнинг 2005 йилдаги ўсиши 9,8 фоизни ташкил этди, деган эдилар. Хитой иқтисодиёти 2004 йилда 10,1 фоиз ва 2003 йилда 10,0 фоиз ўсган эди.

Чет эл матбуоти материаллари асосида.

BAH XABOROTIOMASI

АХБОРОТ—ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан
қўллаб-қувватлаш "Заковат"
ижтимоий жамғармаси

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов

(Таҳрир Кенгашининг раиси),

Ашур Қодиров

(Таҳрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов

(Таҳрир Кенгашининг

масъул котиби),

Раҳмон Каримов

Абдурахмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перпер

БОШ МУҲАРРИР

Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КўРСАТУВЧИЛАР:

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО,

«Иқтисодиёт ахборот агентлиги»,

«Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун

137-23-71

телефони орқали мурожаат қилинг.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700000, Тошкент,

Пушкин кўчаси, 59-уй.

e-mail: bankingnews@tshtt.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари таҳририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Таҳририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, "БА"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Т Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-403

Тираж 8415 нусха.

Босишга рухсат этилди

31.01.2006 й.